

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 25 ФЕВРАЛЬ КУНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ БЎЛГАН ҒАЛЛА ПАРВАРИШИНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШИШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИФИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.



# ҲУҚУҚ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2019-й. 28-ФЕВРАЛ, №9 (1154)

**ОТА ЎғЛИНИ  
«ҚУТҚАРИШ»  
УЧУН ПОРА  
ТАКЛИФ  
КИЛДИ**

2

**ТОМОРҚАДАН  
ТЎҒРИ  
ФОЙДАЛАНИБ  
ИШ СТАЖИГА  
ЭГА БЎЛИШ  
МУМКИН.**

4

**АЛИМЕНТДАН  
ҚАРЗДОРЛАРНИНГ  
271 НАФАРИГА  
КИДИРУВ ЭЪЛОН  
ҚИЛИНГАН**

10

**ТУРИЗМ РИВОЖИ  
УЧУН 215 МЛРД.  
СЎМЛИК 75 ТА  
ЛОЙИҲА АМАЛГА  
ОШИРИЛДИ**

12

## ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА



ИШСИЗ ФУҚАРОЛАРГА ИССИҚҲОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ, УРУҒЛИК ВА КЎЧАТ ОЛИШ УЧУН ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИНИНГ 10 БАРОБАРИГАЧА МИҚДОРИДА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ.

5-бетда



**Эртага меҳмонлар  
олдида хижил бўлгандан  
кўра бугун ўзимизни  
ойнага солайлик**

12-бетда

**Почтачини  
кўрган  
борми?**

Охирги пайтда нашр манзилга ўз вақтида ёки умуман етиб келмаётгани борасида обуначиларнинг эътирозлари кўпайди.



6-бетда

**ҚОҒОЗДА  
ҚОЛГАН  
ЛОЙИҲА**



**ЗАРАР  
УНДИРИЛДИ,  
АММО  
ИЧИМЛИК СУВИ  
МУАММОСИ ҲАЛ  
ЭТИЛМАДИ?**

3-бетда

# Истак кўмакдан қувватланади

**Иқтисодий ривожлантириш, бандлик муаммоларини ҳал этишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунчилик ижроси Денов туман прокуратураси ходимларининг доимий диққат марказидаги масалалардан ҳисобланади.**

**Алишер ТОҒАЙМУРОДОВ,**  
Денов туман прокурори

миллион сўм миқдориди 4 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилиб берилди.

"Хар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ишбилармонлигини намоён этиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш истигадида оилалар ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, 2-сектор раҳбарининг тавсияномасига кўра, дастур доирасида АТ "Савдогарбанк"нинг Денов филиали томонидан 106 нафар фуқарога 1 миллиард 664 миллион сўм, "Хамкорбанк" АТБ Денов филиали

*Прокурор тавсияномасига кўра фуқароларга 5 млрд. сўмга яқин кредит ажратилишига эришилди.*

лиали томонидан 37 нафар фуқарога 987 миллион сўм, АТ "Халқ банк"и Денов филиали томонидан 14 нафар фуқарога 302 миллион сўм, АТ "Асакабанк"нинг Денов мини банки томонидан 39 нафар фуқарога 698,9 миллион сўм, АТ "Туронбанк" Денов мини банки томонидан 22 нафар фуқарога 552 миллион сўм, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Денов мини банки томонидан 27 нафар фуқарога 652,7 миллион сўм кредит маблағлари ажратилишига эришилди.

BOSH PROKURATURADA

## Ҳамкорлик истиқболлари муҳокамаси

**Мухтарам РАДЖАПОВА,**  
Бош прокуратура Академиясининг кафедра бошлиғи в.б.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби билан ҳамкорликда "Фуқаролик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашга оид долзарб масалалар" мавзусида республика семинар-тренинги ўтказилди. Унда барча вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг соҳа бўйича ходимлари ҳамда фуқаролик ишлари бўйича республика судьялари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган семинарда фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми бўлган фуқаролик судлов соҳасида одил судловни амалга оширишда процессуал қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда моддий ҳуқуқ нормаларининг бир хилда қўлланишини таъминлаш масалалари борасидаги маърузалар бўйича мунозаралар ўтказилди.

Шунингдек, тадбир давомида судларда фуқаролик ишлари кўрилишида мавжуд бўлган муаммолар ва уларнинг ечими, аниқ тоифадаги ишларни қўришда ягона суд амалиётини шакллантириш масалалари ҳамда мазкур йўналишда прокурор ва суд идораларининг ҳамкорлигини янада қучайтириш истиқболлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш борасида ҳам билдирилган таклифлар муҳокама этилди.

Семинар-тренинг якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

# Пора бериш ҳам жиноят

**Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, айбдор шахслар қилмишига яраша жазосини олаётган бўлса-да, негадир унга че қўйиш қийин кечмоқда.**

**Бахтияр АБЕРКУЛОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

га 3 минг АҚШ доллари миқдориди пора беришни маълум қилади.

Шу кунги кечки пайт пора тариқасида таклиф этилган пулни Нукус шаҳар прокуратураси ходимига берган пайтда қўлга олинади.

Буни қарангки, нафақат пора олиш, балки пора бериш ҳам қонунга зид эканлигини билгани ҳолда, ўлими жиноятдан озод қиламан, деган ота ҳам жиноятчида айланиб қолди. Суд томонидан ота-бола Э.Абдуллаев ва Ф.Абдуллаевларга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Хулоса қилиб шунга айтиш мумкинки, қонун устувор бўлиб, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмас, одамлар ҳам бирон-бир ишини битириш учун пора беришга мажбур қилнмас, давлат ҳам, жамият ҳам тараққий этиши шубҳасиз.



FAOLIYAT

## Бандлик масаласи доимий эътиборда

**Учтепа туман прокуратураси томонидан ҳудудда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятида учраётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан доимий назорат ўрнатилган.**

содий судига 4 нафар тадбиркорлик субъектининг манфаатини қўзлаб, 52 миллион 661 минг сўм миқдориди зарарни ундириш юзасидан 4 та давво аризаси киритилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси ва ҳокимлиги билан бирга, "Ўриқзор" савдо мажмуаси ҳамда "Фарход" деҳқон бозорининг мажлислар залида 450 нафардан зиёд тадбиркорлик субъектлари ва 65 та оилавий корхоналар раҳбарлари билан учрашув ташкил этилди. Тадбирда уларни қизиқтирган

**Бахтиёр ЮСУПОВ,**  
Учтепа туман прокурорининг ўринбосари

ишга тушириш режалаштирилган. Ишга тушган лойиҳаларнинг умумий қиймати 50 миллиард 405 миллион сўмни ташкил этади. Бу билан яна 69 та янги иш ўрни яратилишига эришилди.

Бундан ташқари, жорий йил 30 январь кунини туманда жойлашган коммунал касб-хунар коллежида бўш иш ўринлари

*Туман прокуратурасининг ташаббуси билан 2018 йилда фаолиятини тўхтатган 117 нафар тадбиркорнинг фаолияти тикланиб, натижада 565 та иш ўрни яратилди.*

саволларга жавоблар берилиб, туман миқёсида ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолари масалалар жойида бартараф этилди.

Ўтган йили туман кичик саноат зонасида турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган 6 та корхона ўз фаолиятини бошлаган бўлса, жорий йилда яна 4 та корхонани

ярмаркаси бўлиб ўтди. Туманда фаолият юритаётган 63 та корхона ва ташкилотлар ўзларидидаги 825 та бўш иш ўринлари билан иштирок этган мазкур тадбирда 86 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар, 18 нафарига йўлланмалар берилди. 16 нафар фуқаро ўзига мақбул бўлган иш жойига эга бўлди.

## Намунали истеъмолчи рағбатга муносиб

**Соҳибжон РАПИКОВ,**  
МИБ Наманган вилоят бошқармаси катта инспектори

**Косонсой туманининг "Хуррият" маҳалласидаги Саидметовлар хонадонига яқинда Мажбурий ижро бюросининг вилоят бошқармаси бошлиғининг ташаккурнома-си эълон қилинди.**

Улар оилада тўлов маданиятини юксалтиргани, яъни истеъмол қилинган энергия ресурслари ва ичимлик суви учун тўловларни ўз вақтида амалга оширгани учун бундай рағбатга эга бўлишди.

— Оилада ҳар ой истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви

учун тўловларни ҳар ойнинг 10 санасига қадар амалга оширишни одат қилиб олганмиз, дейди намунали истеъмолчи Баҳромжон Саидметов. — Албатта, қундалик турмушимиздаги энг зарур бу неъматлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, сарф қилинган бу ресурслар учун тўловни вақтида амалга ошириш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Айнан бизнинг оилага берилган эътибордан хурсандман. Дарҳақиқат, мамлакатимиз-

да энергия ресурслари ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Мажбурий ижро бюросининг Наманган вилоят бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан асосий эътибор истеъмол маданиятини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир тарғибот-ташвиқот тадбирларига қаратилган.





Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини амалиётга тўлиқ ва сифатли жорий этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга, албатта. Вилоят прокуратура органлари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда.

## Инсоф ва ҳалоллик учун рағбат

Худудлар бўйича барча юридик шахслар тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Натияжалар шуни кўрсатдики, вилоятда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларидан 1120 таси (941 таси юридик шахс ва 179 таси яқка тартибдаги тадбиркор) ўтган йил якунлари бўйича 1 миллиард сўмдан ортиқ айланмани (яппи тушумни) амалга оширган. Концепция талабларига кўра, мазкур тадбиркорлик субъектлари жорий йилнинг 1 январидан бошлаб умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи ҳисобланади.

Дастлабки ҳисоб-китобларда бу кўрсаткич 971 тани ташкил этган эди. Чўқур таҳлиллар натижасига мувофиқ умумбелгиланган солиққа ўтиши режалаштирилган корхоналар сонининг 1120 тага кўпайишига эришилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси талабларига кўра, умумбелгиланган солиқ тўлашга ўтказилган ҳар 10 та корхонага давлат солиқ инспекциясининг 1-2 нафардан ходими бириктирилди. Улар мазкур тадбиркорлик субъектларига солиққа оид барча масалаларда ёрдам кўрсатишмоқда.

Президентимизнинг юқоридаги фармони мазмун-моҳиятини барча тадбиркорлик субъектларига, мулк туридан қатъи назар, барча ташкилот, муассаса, корхона раҳбарлари ва ходимларига етказиш асосий вазифалардан биридир. Бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг январь-февраль

**Умумбелгиланган солиқ тўлашга ўтказилган ҳар 10 та корхонага ДСИ ходимлари бириктирилмоқда.**

ойларида вилоят телевидениясида ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари ҳамда тадбиркорлар иштирокида очиқ мулоқотлар ташкил этилди. Тадбирлар жараёнида вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 80 дан ортиқ тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мувожабат қилдилар. Улардан тушган саволларга батафсил тушунтиришлар берилди.

Концепция ўз йўналиши жиҳатидан барча аҳоли қатламларини ҳам қамраб олади. Ахир, ҳар бир хонадонда солиқ тўловчи фуқаро мавжуд ва улар солиқ тизимидаги ўзгариш ва янгиланганлардан огоҳ бўлишга тўла ҳақли. Шу боис тарғибот ишларининг барча усулларидан, аynиқса, оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Биргина маҳаллий телевидениеда январь ойида 15 та кўрсатув ва 8 та видеоролик тайёрланиб, эфирга узатилди.

Азизбек ВАХАБОВ,  
Навоий вилоят прокуратура ўринбосари

Шунингдек, тарғиботни ўқув-семинарлар орқали олиб боришга ҳам катта эътибор қаратилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 75 марта ўқув-семинарлар ташкил этилди. Бу каби тадбирларда 4 800 нафардан ортиқ тингловчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиси Мурожаатномасида таъкидлаганидек: "... фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак." Солиқ қонунчилиги талаблари ижросини тўлақонли амалга ошириш бюджет барқарорлигини таъминлаш деганидир. Инсофли ва ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яшарин фаолият юритадиганларни жазолаш эса қонунчилигимизнинг асоси бўлиб хизмат қилади.


## Имтиёз жинойтга ундамасин

Энди йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар беихтиёр қўшилган қиймат солиғи тўловчисига айланмади.

Бу тизимнинг амалиётга татбиқ этилиши, аввало, бюджет даромадини ошириш мақсадида жорий этилаётган бир пайтда унинг акси ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ўтган йилда йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўқтатиши ва фаолиятини янгитдан бошлаши мумкин ёки йиллик корхоналар бир неча кичик корхоналарга бўлиниш эҳтимоли, яна белгиланган лимитни сақлаш учун баъзи айланма маблағларини яшириш ҳолатлари бўлиши эҳтимоли катта. Лекин соҳага масъул давлат органларининг тадбиркорларга тўри тушунтириш олиб бориши орқали бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. Бунда тадбиркорларнинг солиқ юқини ошириш эмас, аксинча, уларга берилётган қўшимча имтиёз эканлигини тўри тарғибот қилиш талаб этилади, холос.

### Мисол сифатида:

Оёқ кийим ишлаб чиқарувчи корхонанинг қўшилган қиймат солиғига ўтмасдан олдин солиқ юқини кўриб чиқамиз. Чарм ишлаб чиқарувчи корхона 1000 сўмлик чарм ишлаб чиқароди, ундан чармини сотиб олиб, чармга қўшимча ишлов бериб, нарҳини 1400 сўм деб белгилайди. Чармини олиб, бошқа корхона ундан оёқ кийим тикиди ва 1800 сўмга улгуржи савдо фирмасига сотади. Улгуржи савдо билан шуғулланоётган корхона товарни 2000 сўмдан чакана савдо шохобчаларига сотади. Дўхон ўзининг фойдасини қўйиб,



## Афзалликлар нимада?

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида солиққа тортиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, қулай рақобатли муҳит яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юкларини камайтириш, республикамизнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш асосий мақсадлар ҳисобланади.

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси тегишли идоралар билан ҳамкорликда бюджетга қўшимча тушумларни таъминлаш, иқтисодиётнинг ҳуфиёна секторини қонунийлаштириш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида киритилган ўзгариш ва янгиланганлигини эътиборга олиб Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ва шаҳар Давлат солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда ҳўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли ҳамда тадбиркорлар ўртасида жами 2 149 маротаба тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ўтказилди, шундан 189 маротаба семинарлар, 1 899

Жасурбек САТТАРОВ,  
Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи

маротаба манзилли семинарлар ҳамда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиб, 61 маротаба чиқишлар ташкил қилинган.

Департаментнинг шаҳар бошқармаси ва шаҳар Давлат солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда янги солиқ тизимининг татбиқ этилишини самарали ташкил этиш борасида ўтказилган таҳлиллар натижасида, жами яппи тушуми 1 миллиард сўмдан ошган ҳўжалик юритувчи субъектлар сони 10 832 тани ташкил этиб, 15 февраль ҳолатига кўра 10 037 та ҳўжалик юритувчи субъект, шундан 9 545 та юридик ва 492 та жисмоний шахслар умумбелгиланган солиқ тизимига ўтган.

Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркин фаолият кўрсатишидаги сунъий бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида 15 та жиноят ишлари кўзгатилиб, Шу билан бирга, солиқларни тўлашдан бўйин товлашининг янги механизмлари аниқланиб, 14 та жиноят иши фшл этилиб ва бюджетга 25 миллиард сўмдан ортиқ солиқлар ҳисобланди.

**Тадбирлар натижасида 28 та жиноят иши қўзғатилиб, 437 млрд. сўмдан ортиқ ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланган.**

Нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмасига барҳам беришга қаратилган тадбирлар натижасида 28 та жиноят иши кўзгатилиб, 437 миллиард сўмдан ортиқ ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланган.

"Хуфиёна" иқтисодиётга қарши курашиш, махсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва сифатсиз махсулотларни бозорларга кириб келишининг олдини олиш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказилиши натижасида 8 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 359 миллион сўмдан ортиқ ускуна ва махсулотлар олинган. Бундан ташқари, товарларнинг ноқонуний импорти ва муомалага киритилишининг олдини олиш билан боғлиқ 27 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 943 миллион сўмлик ноқонуний муомаладаги ашёвий далиллар олиб қўйилди.

Спиртли ичимликлар ва тамаки махсулотлари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 9 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, қонунбузарлардан 446 миллион сўмлик махсулотлар олинган.

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан мазкур йўналишда ишлар давом эттирилмоқда.

**2019 йил 25 февраль кuni Давлат раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.**

# ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ

Халқимиз азалдан ризқ ундириш, боғ яратишнинг ҳадисини олган. Бугунги кунда кўпчилик ўз томорқасидан самарали фойдаланиб, бир йилда 3 мартагача ҳосил олмоқда.

Ўтган йилнинг 23 март санасида давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлигига бағишланган йиғилишда "Чўп суқсанг, кўкарадиган еримиз бор, меҳнатсевар халқимиз бор. Лекин томорқа ерларидан — шундай катта резервдан фойдаланмаямиз", дея алоҳида таъкидлаган эди.

Жорий йилнинг 22 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда навбатдаги муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам томорқадан самарали фойдаланиш ва

бахорги экин экиш ишлари ҳам муҳокама қилинди.

Лекин, баъзи жойларда томорқага экин экмаслик ва қаровсиз ташлаб қўйиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Маълумотларга қараганда, юртимиз бўйича 328 мингта хонадондаги 20 минг гектар томорқадан самарали фойдаланилмаётган экан.

Шу боис бу йил март-апрель ойларида томорқага экин экиш ишлари янги тизимда, кенг жамоатчилик иштирокида ташкил қилинадиган бўлди. Халқ қабулхоналари раҳбарлари маҳалла раислари билан бирга уйма-уй юриб, аҳоли талаблари асосида уларга кўмак беради. Маҳаллий бюджетлар заҳира жамғармасидан 40-50 миллион сўмдан маблағ ажратилиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож

оилаларга бозорбоп сабзавотлар уруғи, мевали дарахт ва ток кўчатлари етказиб берилади.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди салоҳиятли фермерлар ёрдамида аҳолининг фойдаланилмаётган томорқаларини экишга тайёрлаш ва бозорбоп экинлар экишни ташкил қилади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан томорқаси бор ишсиз фуқароларга иссиқхоналар ташкил этиш, уруғлик ва кўчат олиш учун энг кам иш ҳақининг 10 баробаригача миқдорда субсидия ажратади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарла-

Хусен АТАЕВ,

Яккасарой туман прокурори ўринбосари

ри, туман ва шаҳарларнинг 4 та сектор раҳбарлари ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, "бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида ҳар бир маҳаллани мева-сабзавот етиштириш, кичик иссиқхоналар ташкил қилиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, кўенчилик, куркачилик каби йўналишларга ихтирослаштириш бўйича амалий чоралар кўради.

Умуман олганда, давлатнинг ўзи бош-қош бўлиб, аҳолининг томорқаларидан самарали фойдаланиб, оиласи фаровонлигига эришишига кўмаклашади.

MUXBIR NIGOHIDA

## Иш билганга

## МИНГ ТАНГА

УЯЛИ АЛОҚА ТЕЛЕФОНИМГА КАБАРНОМА КЕЛДИ...  
«ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ АЪЗОСИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИНИНГ 1 БАРАВАРИ МИҚДОРИДА ТЎЛОВ АМАЛГА ОШИРСА, БИР ЙИЛ СТАЖГА ЭГА БЎЛАДИ. ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ».

Давлатимиз раҳбари, ҳукумат қарорлари билан томорқа ерларидан унумли фойдаланиб, даромад олаётган фуқаролар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Нафақат қишлоқларда, шаҳарлардаги ҳовли-уйларда ҳам мева-сабзавот, узум, парранда, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, рўзғоридан ортириб бозорга чиқариш рағбатлантирилмоқда. Нафақат қишлоқларда, шаҳарлардаги ҳовли-уйларда ҳам мева-сабзавот, узум, парранда, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, рўзғоридан ортириб бозорга чиқариш рағбатлантирилмоқда. Солиқ қонунчилигига киритилган қўшимчага кўра томорқа еридан фойдаланмаслик икки ҳисса ер солиғи тўланишига сабаб бўлади. Бу ҳам фуқароларни томорқа ерини бўш қолдирмай, фойда кўришга ундайди.

Фарғона Марказий деҳқон бозоридан киши кунлари ҳам картошка, сабзи, пиёз, саримсоқпиёз, редиска, лавлаги, қарам, бодринг, помидор, мева-сабзавот, турфа хил ош кўчатлар мўл-кўл. Танлаб, савдолашиб, харид қиласиз. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгаларининг оғирликларида сифати йўқотилмасдан сақланган, шунингдек, иссиқхоналарида етиштирилаётган, янги узилган сархил маҳсулотлар бозорларга узлуксиз етказиб берилмоқда.

Тошлоқ тумани деҳқонлари азалдан миришқор. Олтиариқ бодринг каби Тошлоқ помидори ҳам тилга тушган. Тошлоқлик деҳқонлар айна чоғда помидордан ташқари турфа хил мева-сабзавотлар етиштиришнинг ҳадисини олишган.

— Маҳалламизда 430 та хонадон бор, — дейди **Тошлоқ туманининг "Ахшиқ" МФЙ раиси Абдухамид Юнусов**.

— Туман ИИБ бошлиғи — сектор раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ аъзолари уйма-уй юриб, аҳоли турмуш шароитларини ўрганиш давомида тилга олинган муаммолар Йўл харитасига кириштирилиб, уларни ҳал этиш устида иш олиб борилаёпти. Хусусан, томорқалардан самарали фойдаланиш ҳақидаги ҳукуматимиз қарори айна мундоқ бўлди. Доимий ишловчилар ҳам томорқада мева-сабзавот, ош кўчат, чорва, парранда маҳсулотларини етиштиришга астойдил киришишди. Кам таъминланган хонадонларга уруғлик, мева кўчатлари тарқатилди. Бўш турган томорқа ери йўқ ҳисоб. Томорқаларда иссиқхоналар сони кескин ортди. 134 та хонадонлар иссиқхоналарида йилга икки-уч мартадан ҳосил олиб бозорга чиқаришяпти. Қиш кунлари ҳам тиним билишмайди. Исталган хонадонга кириб қўришимиз мумкин.

Дуч келган хонадонга — Пахтакор кўчасидаги Зайлобиддин Сиддиқовнинг ҳовлисига кириб бордик. Икки нафар қизларини турмушга узатибди.

— Энди ўғлим Ахлиддинни уйлантириш ҳаракатидамиз, — дейди З.Сиддиқов. — Ҳар жойда ишлаганман. Охириги йиллари томорқада бандман, — дея ҳовлидаги иссиқхонасига бошлайди. Уч сотихли иссиқхонада кўк пиёз, редиска охирида қолибди. Унинг булғор қалампери экишни мўлжаллабди. Июль ойида саримсоқпиёз экиб, октябрь ойида ҳосилини йиғиштириб оларкан. Яна битта иссиқхона

қилиб, лимон етиштиришни ниёт қилибди.

— Мол-қўй олгани банкдан кредит сўраганим, — сўзида давом этади **миришқор деҳқон**. — Лимит тугаган экан. Мол-қўйни иссиқхонанинг даромадига олдим. 2 бош сигир, икки бош бузук, иккита кўчорни ўғлимнинг уйланиш тўйига атаб боқяпман. Кредит ололсам, молхона куриб, чорвани кўпайтираман. Нақд пул берилса, бозордан ўзим танлаб олганимга етмайди.

Деҳқоннинг хирмониға барака тилаб йўлимизда давом этамиз. Хонадон эгалари ҳозирдан кўча ариқларини тоза-лаб, раван қилиб қўйишаётгани эъти-

### Ҳовлидаги сўритокдан 1 тонна узум етиштирилди.

борни тортади. Абдумухтор Махамдраҳимов Фарғона шаҳридаги ФРСМУ—қурилиш-монтаж ташкилотидан ишларкан. Ҳовлисидан сўритокда 1 тоннача узум ҳосилини етиштириб сотибди. Иккита иссиқхонанинг бирида лимон етиштиришган. Бироқ совуқ уриб қуриб қолган. Қайтадан лимон экиш таррадуида. Салкам 2-сотихли иссиқхонасида кўкпиёз ҳосилини йиғиштириб бўлаёзибди.

— Иссиқхонадан чиққан ҳосилнинг пулига, ўн миллион сўмга иккита новвос олдик, — дейди **А.Махамдраҳимов**.

Икки нафар қизларини турмушга узатибди. Бири мактабда, бири боғ-

Исроил ИБРОҲИМОВ,  
«НУҚУ»

чада ишларкан. Яна бир қизи коллежни битирибди. Кенжаси мактабда ўқиркан. Турмуш ўртоғи иссиқхона ишларига қарашаркан.

Кўчада бораётиб уй баробар узум сўритокга эътиборимизни тортиди. Ишнинг кўзини билганга нафақат томорқа ери, уй олди йўлига ҳам яхшигина даромад манбаи эканлигига ушбу хонадон эгаси Шавкатжон Акбаров билан суҳбатда яна бир қарра амин бўлди. 2,8 ва 2,5 сотихли иккита иссиқхонада эрта баҳорда булғор қалампери, сўнгра бодринг, ундан кейин куз ва қишда ош кўчатлар етиштирар экан. Иссиқхонанинг бирига эккан 30 тул лимон кўчатлари илк ҳосилини бера бошлабди.

— Олтиариқдан уйланганман, — дейди **жилмайиб Ш.Ақбаров**. — Қайнотамга ҳавас қилиб, ичкарига айвон олдидан ташқари кўчага ҳам сўриток қилдим. Бу мавсумда уч бора узум ҳосилини "Дамас" машинасида бозорга элтиб улгуржи сотдим.

Ўқориди каби туманда томорқа ерларидан самарали фойдаланиш хусусида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Тааллуқли идоралар, туман фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси, МФЙлари ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар аъзолари хонадонларга кириб бориб, ҳукуматимиз яратиб бераётган имкониятлардан унумли фойдаланиш, янгитдан иш бошлаш, томорқа хўжалигини янада ривожлантириш борасида йўл-йўриқ маслаҳат беришяпти, ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатишяпти. Хусусан, ушбу йўналишга ўтган йили салкам икки миллиард сўм кредит маблағлари ажрати берилган. Томорқа ерида мева, узум, помидор, картошка, сабзавотдан ташқари чорва моллари, парранда, балиқ, асалари етиштиришга астойдил бел боғлаганлар сони ортиб бормоқда.

Жорий йил 22 февраль кунини «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди.

28-ФЕВРАЛ 2019-Й.  
ҲУҚУҚ № 8  
(1154)

5

Болалигимда қишлоғимизда Банат опа (окирати обод бўлсин) исмли почтачи аёл бўлиб, уни танимаган одам деярли йўқ эди. Опанинг исмини ҳар сафар тилга олганимда, почта билан боғлиқ ширин хотира кўз ўнгимда намоён бўлади. Биринчи синфни тамомлаб, ёзги таътилга чиққан пайтларим. Хат-саводим чиққан, ёзувим хунук бўлса ҳам, қоғоз қоралашга салоҳиятим етади. Ҳарбий хизматни ўтаётган тоғамга хат ёзиб, маҳалла гузаридagi почта қутисига ташлаб келдим.

Орадан қанчадир вақт ўтиб, Банат опа уйимизга кириб келди. Онамнинг қўлига хат бериб, "Укангиз сизга армиядан мактуб жўнағибди", деди. Онам гўёки ёмон хабар бордек, конвертни очиб, дарҳол мактубга кўз югуртирди. Маъносини билгач, менга табассум билан қаради. Кейин мен томон ишора қилиб: «Опа, шу ўғлим тоғасига хат жўнатган экан, укам жавоб ёзибди», деди. Почтачи аёл менга юзланди, бошимни силаб, кўп мақтовлар айтди. Шу-шу бу аёлни ширин хотиралар билан эсга оламан. Каттароқ бўлиб билдимки, опа фақат конверт ташимас, балки оиламиз обуна бўлган сеvimли нашрларни ҳам уйимизга вақтида келтирар экан... Ҳозирги ёш авлод эса почтачини таниш у ёқда турсин, бу одам нима иш қилади, деб сўраши ҳам табиий. Дарҳақиқат, аини вақтга келиб, почтачиларни танимайсиз ҳам.

DOLZARB MAVZU



# ПОЧТАЧИНИ КЎРГАН БОРМИ?

## ИСЛОҲОТЛАБ ТИЗИМДАГИ МУАММОЛАР

### Кўчада қолган ходимлар

Ўзбекистон почтасининг Тошкент вилояти Келес туманларо почта алоқа боғламасига қарашли почта бўлимларининг ҳолатларини ўрганиш мақсадида Занғиота туманидаги «Хонобод» алоқа бўлимига бордик. Мазкур қишлоқ шаҳарининг шундоқ биқинида жойлашган бўлса-да, худуддаги алоқа бўлими жойлашган бино гариб аҳволга келиб қолган. Ичкарига кирсангиз, ўзингизни 20-асрга тушиб қолгандек ҳис этасиз. Томидан чакка ўтиб кетган, хона совуқлиги боис, бўлим ходимлари қалин кийимларида аҳолига хизмат кўрсатишмоқда. Бўлим ҳеч қандай замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланмаган. Қисқаси, на ходимларга ва на мижозларга шароит яратилган.

Келес туманларо алоқа боғламаси (исм-фамилиясини келтиришимизни истамаган) ходимининг айтишича, аини вақтда худудда 1 та марказий ва жойларда 45 та алоқа бўлими фаолият олиб бораётган бўлиб, улар жойлашган биноларнинг аксариятида ҳам шароит юқоридagидай. Қйрай туманидаги "Оқолтин" ҳамда Тошкент туманидаги "Кўктерак" алоқа бўлимлари жойлаштирилган бинолар авария ҳолатига келиб қолганлиги боис, ходимлар кўчада фаолият олиб бораётган экан. Энг афсусланарлиси, ходимлар у ойдан буён маош олмаган. Пойтахтга ташшган икки туманда ҳолат шундай бўлгандан кейин, марказдан узок худудлардаги алоқа бўлимларининг аҳолини тасаввур қилаверинг...

### Кечиккан хат ортидаги муаммо

Шу каби муаммолар гирдобиди қолган мазкур тизимдан аини вақтда фойдаланаётган фуқароларнинг аксарияти камчиликларга рўпара бўлмоқда. Хусусан, на даврий матбуот, на хатлар ўз вақтида манзилига етказилмоқда. Айниқса, давлат идоралари томонидан жўнатилган хабарномалар ўз вақтида эгасига етказилмаса қандай муаммолар келиб чиқишини тушуниш қийин эмас. Мисол учун, ўтган йилнинг бошларида қандайдир тушунмовчилик сабабли ер ва мулк солиқлари тўлови амалга оширилмаганлиги тўғрисида туман солиқ идорасидан отамга хабарнома жўнатилган. Конверт устида манзилимиз аниқ кўрсатилган бўлса-да, мазкур хабарномани почта ходими

орадан бир неча ҳафта ўтиб, маҳалла фуқаролар йиғини идорасига ташлаб кетибди. Хабарномани олган куннинг эртасигаёқ солиқ идорасига бордик. Муаммони айтганимизда, бизга хабарнома юборилганига икки ҳафтадан ошгани-ю, вақтида келмаганимизни идао қилиб, ишни судга оширишганини билдиришди. Воқеа қандай яқун тоғгани бошқа масала, аммо хабарнома бизга вақтида етказилганида, бу муаммо солиқ идорасининг ўзида ечимини тоғган, ортиқча оворагарчиликларга ҳожат қолмаган бўларди.

### Манзилини тоғмаган мактублар

Тахририятимизга фуқаролардан кўплаб мурожаатлар келади. Уларга тегишли тартибда жавоб берилади. Айрим жавоб хатлари манзил тоғилмаганлиги иддаоси билан тахририятга қайтиб келиши ҳолатлари ҳам бўлган. Мурожаат йўллаган фуқаролар кўнгирок қилиб, мактубларининг тақдирини сўраганида, биз уларнинг манзили ўзгаргани боис, жўнатган жавобимиз етиб бормади, қайтиб келганлигини тушунтираимиз. Аммо манзили ўзгармаганлигини айтиб, ҳайрон бўлган фуқаролар бизни ҳам ўйлантиради. Хусусан, ўтган йилнинг 26 январь куни Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Шаҳноза Курбоналиева фйрибгарликдан жабр кўргани, лекин ушбу ҳолат бўйича айбдор шахсга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаётганлиги юзасидан тахририятимизга хат жўнатган. Ушбу шикоят аризаси ўрганилиб, 1 февраль куни тегишлилиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хат юборилган. Шу аснода муаллифга ҳам жавоб хати жўнатилган. Почта алоқа бўлими эса фуқаронинг манзили то-

пилмади, дея хатни 10 март санасида тахририятга қайтариб юборади. Ваҳоланки, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари тахририят томонидан жўнатилган хат асосида жабрланувчи билан боғланган ҳолда иш олиб бориб, шикоят аризада келтирилган шахсни топишган ва унга нисбатан жиноят иши кўзгатишган экан.

Тизимда бундай камчиликлар бўлиб туради-да, деган фикрга бормаслигингиз учун яна шу каби бир неча ҳолатни келтириб ўтишни лозим топдик. Масалан, 2018 йилнинг 30 июнь куни тахририятимизга Чуст туманида яшовчи фуқаро Зулфия Мирфатуллаеванинг йўллаган шикоят аризаси келди. Унинг мурожаати юқоридagи каби, қонуний тартибда кўриб чиқиши учун тахририят томонидан тегишли органга жўнатилди ва бу ҳақда муаллифга билдириш учун жавоб хати юборилди. Бу сафар ҳам ўша ҳолат: муаллифга жўнатилган хат орадан бир неча ўн кун ўтиб, «манзили тоғилмади» иддаоси билан тахририятга қайтиб келди. Муаллиф билан телефон орқали боғланганимизда эса у манзили ўзгармаганлигини айтди.

Ёки, фуқаронинг муаммосига ечим излаб, вилоят прокуратураларидан бирига аниқ манзил кўрсатилиб мазкур вилоят прокурори номига юборилган хат орадан ўн кун ўтиб, "ушбу манзилда бундай киши истикомат қилмайди" деган мазмундаги жавоб билан қайтиб келган. Бу ҳолатга куласизми ёки ачинасизми?

Аини вақтда почтачиларнинг аксарияти масъулиятини тўлиқ ҳис қилишга ишонч билдириш мушкул. Алоқа бўлимларининг масъуллари хатлар ортеда одамларнинг тақдир бор-ку, деб ўйлаб кўришармикан?!

### Ўргимчак «инкубатор»лари

Аваллари барча туман ва қишлоқ марказларида, маҳалла гузарларида почта қутилари бўлар, уларга ташланган хатлар кунда ёки кунора олиб кетилар ва манзилига етказиларди. Бугун бундай почта қутилари фақатгина алоқа бўлимларининг ўзида қолган, холос. Улар ҳам аини пайтда ўзига хат-хабар тушушини кутиб, ойлар давомида бўш турган бўлса, ажаб эмас. Айниқса, кўп қаватли уйларга кираверишда ўрнатилган почта қутиларида бугун ҳеч ким фойдаланмаётганлиги сабабли, улар ўргимчаклар учун «инку-

Камолитдин АСҚАРОВ,  
«Нуқул»


батор» вазифасини ўтамоқда. Яхшики, аини вақтгача фақатгина давлат идоралари ва ташкилотлари Ўзбекистон почтасининг "ҳаминқадар" хизматидан фойдаланиб турибди, агар бу ҳам бўлмаганида, тизимда конверт ва хат каби иборалар аллақачон унут бўлган бўлармикан?

### Унутилаётган мажбурият

Фикримизни даврий нашрлар борасида гувоҳ бўлаётган ҳолатлар асносида давом эттираимиз. Боиси, республикамиздаги босма нашрларни тарқатиш, яъни газета-журналларни эгаларига етказиб бериш уларнинг зиммасида. Охириги пайтда нашр манзилга ўз вақтида ёки умуман етиб келмаётгани борасида обуначиларнинг кўнгироклари кўпайди. Уларга тахририят газетани фақатгина чоп этишини, тайёр нашрни обуначига етказиш билан эса почта, матбуот тарқатувчи ва мазкур фаолият тури билан аҳолига хизмат кўрсатаётган бошқа тадбиркорлик субъектлари шуғулланиши тушунтирилади. Мисол учун, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг маълумотига кўра, унинг худудлардаги бўлималарига босма нашрларга обуна бўлиб, уни ўз вақтида ёки умуман ололмаётган фуқаролардан 2017 йилда 124 та шикоят тушган бўлса, 2018 йилда уларнинг сонини 196 тани ташкил этган.

Баъзи худудларда чоп этилган нашрларнинг бир неча сонини тўплагач, обуначига етказилаётган экан. Табиийки, бундай ҳолатда нашрнинг обрўсига путур етади. Тўғри-да, бугун чоп этилган газета бир ҳафтадан кейин обуначига етиб борса, унинг қадри қоладими?

Назаримизда, нашрларни эгасига етказиш масаласи умуман мониторинг қилинмайди. Обуна пуллари аллақачон «чўнтаги»га тушиб бўлган почта учун эгасига етказилмай тўпганиб ётган тахлам-тахлам газета-журналларнинг тақдирини қизиқ эмас. Олдиндан хизмат ҳақини олган почта тизими тахририятларининг оёғига "болта" ўрмай, хонадонларга матбуот нашрларини вақтида етказиб берганида, балки ҳозир газеталарнинг адади









**Бировнинг хужжатини сохталаштирган Рустам бошлаган машмашаси илдиз отиб, фирибгарлик «занжири»га улаиб кетишини ўйлаганмикан?! Жиноят ишлари бўйича Шахрисабз шаҳар суди томонидан ўтказилган очиқ суд мажлисида Илҳомжон Холиқов ва Рустам Зиядуллаевнинг жиноят иши кўрилди.**



# БИРОВИ «ШОХИДА», БИРОВИ «БАРГИДА»...

Илҳомжон Холиқов 1970 йилда туғилган, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор. Яқка тартибдаги тадбиркор. Муқаддам судланган, суд ажримига асосан ўталмай қолган жазо амнистия асосида қисқартирилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

Рустам Зиядуллаев 1978 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, ишсиз. Унинг ҳам биринчи марта жиноятга қўл уриши эмас экан. Суд ҳукмига асосан унга 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Кейинроқ суд ажримига асосан ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Сўнг ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

Ҳўш, аввалги қилмишларидан ўзларига ҳулоса чиқариб олмаган бу икковлон яна қандай ишқал чикарди дерсиз?

Тўрт йилча аввал Рустамни Тошкент шаҳрида машина уриб кетганди. Чап оёғидан қаттиқ жароҳат олган экан. Шундан бери таёққа суняиб қолди. Шифокорлар Россия Федерациясига бориб, оёғини даволатиши мумкинлигини маслаҳат беришди. Бироқ пул тополмаганиги боис унинг бу

орзуси анча пайтгача амалга ошмади.

2016 йил ёз ойида савдо дўконидagi рангли нусха кўчириш ускунасида Жумаев Жаҳонгир Қахрамановичнинг фуқаролик паспорти нусхаси ва яна бир шахс номида бўлган ер участкаси хужжатининг нусхасини кўриб қолди. Шунда унинг кўнглига бир шум ният ўрмалди. Ер участкасининг хужжатини Ж.Жумаевнинг номига тайёрлаб, бирор қаровсиз ер участкаси топиб, сотса, пулига Россияга бориб, даволаниб келармиди? Манави лаянати таёқдан ҳам қутулармиди?

Рустам киноларда кўрганидай усталик билан сохта хужжат тайёрлашга киришди. Ж.Жумаевнинг паспорти нусхасидаги фотосурат ўрнига ўзиникини жойлаштирди. Нусха кўчириш ускунаси орқали бирпасда ер участкаси ҳам Ж.Жумаевнинг номига «ўтди».

Уша пайтларда Шахрисабздаги бунёдкорлик ишлари жараёнида бир қатор уйлар бузилиб, янгилари қурилаётган эди. Рустам шундай уйлар қад ростлаётган Лойиҳа кўчасини зимдан айланди. Ўзича эгасиз ер участкасини қидирди. Икки ойлик изланишларидан сўнг бир қаровсиз ер участкасини

топди.

Уша йилнинг сентябрь ойида таниши Илҳомжон Холиқовни кўриб қолди. Унга Россияда даволаниши учун ер участкасини сотиши кераклигини айтди. И.Холиқов эса унга «Хундай» русумли автомашинасини таклиф қилди. Пулини бемалол ер сотилганидан кейин бериши мумкинлигини, қолган пул ўзига қолаверишини айтди. Икковлашиб машинани 20 миллион сўмга баҳолашди.

— Майли, участкангнм я ўзим сотиб бераман, ука, —

## «Устомон» шахс бировнинг паспорти нусхасидаги фотосурат ўрнига ўзиникини жойлаштириб, ер участкали бўлиб олди.

деди Илҳомжон ғамхўрлик билан.

Икковлон йўлга тушишди. Рустам Илҳомжонга ўзи мўлжаллаб қўйган қаровсиз ер участкасини кўрсатиб, унга ўзи тайёрлаган хужжат нусхасини берди. Хужжатнинг асл нусхасини пулни олганидан сўнг беришини айтди.

— Ие, сен Жумаев Жаҳонгирмисан? — деди Илҳом хужжатларга қараб туриб. —

Отинг Рустам эди, шекилли?! —

Иккита исми бор менинг, — деди Рустам кўзларини олиб қочиб. — Асл исм-фамилиям Жумаев Жаҳонгир...

Орадан 10 кунлар ўтганидан сўнг Рустам Илҳомжонга кўнғирок қилди. Илҳомжон ерни ҳали сотолмаганини айтди.

— Пул зарил эди-да, — деди Рустам каловланиб.

И.Холиқов унга 500 АҚШ долларлари берди.

Рустам сентябрда ер участ-

там чўрт кесиб.

— Ерни Саиджонга хужжат қилиб беравер, — деди Илҳомжон. — Машинами бера олмайман. Пулини қилиб бераман...

Хуллас, учовлоннинг савдоси пишмади. Саиджон муаммо бунча кўпаяётган бўлса, ерни олмаслигини айтди. Рустам эса бошқа харидор топиб, ерни 3 500 долларга пуллаб юборди. Ер участкаси хужжатининг қалбақлаштирилган нусхасини йиртиб ташлади.

**Абдурашид ЖУРАЛОВ,**  
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

қасидан хабар олиш учун борганида, у ерда усталар ишлатганини кўриб, капалаги учиб кетди. Усталардан сўраганида, улар ер участкасини эгасидан сотиб олишганини айтишди. Маълум бўлишича, Саиджон Пулатов ер участкасини И.Холиқовдан 4 600 АҚШ долларига сотиб олган экан. Рустам ўзи «шохида» бўлса, Илҳомжон «баргида» юрганини англаб, бошини чангаллаб қолди. Ўғрини қароқчи урди, деганлари шу экан-да...

Рустам С.Пулатовга участка ўзига тегишли эканини айтди. С.Пулатов эса унга Илҳомжондан олган Жаҳонгир Жумаевга тегишли қалбақи хужжатлар нусхасини, паспорт нусхасини ортига ёзилган тилхатни кўрсатди.

— Мен ерни Илҳомжон деган одамдан олганман, — деди Саиджон. — Жаҳонгир жиғини бўлади, ўзи Тошкентда, ерни сотишни менга тайинланган эди, деди...

Рустам эса унга хужжатнинг

И.Холиқовга 500 АҚШ долларини қайтариб берди. 2017 йил июль ойида савдо дўконидagi нусха кўчириш ускунаси ва бошқа нарсаларини сотиб, оёғини даволатиш учун Россияга кетди. Уша йилнинг декабрь ойида қайтиб келди. Қинғир ишнинг қийғи чиқмасдан қолмас экан. Тез орада ер можароси яна кўтарилди...

Илҳомжон ҳам С.Пулатовга 2016 йилнинг ноябрь ойида 3 500 АҚШ долларини қайтариб бериб, қолган 1 100 долларини бермасдан, алдаб келган экан.

Жиноят ишлари бўйича Шахрисабз шаҳар суди ҳукмига кўра, Илҳомжон Холиқовга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, Рустам Зиядуллаевга эса тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Жабранувчи С.Пулатовга етказилган 4 миллион сўмдан ошқоқ зарар қолганни қайд қилинди. Судланувчи И.Холиқовнинг ҳисобидан жабранувчининг фойдасига 4 миллион 840 минг 800 сўм ундириладиган бўлди.

Ҳа, фирибгар шерикларнинг бирови «шохида», бирови «баргида» эди. Аммо улар бир кун келиб шох қарсиллаб синишини, барглари шамол ирилишини хаёлга ҳам келтирмаган эканлар...

## «Аукциончи» фирибгар

Бухоро шаҳрилик Улуғ Насруллаев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) айни қирчиллама қирқ ёш арафасидаги йигит. Оилали, икки нафар фарзанди бор. Ана шундай тўқис йигит нафсининг қулига айланиб, олти марта судланди ва тегишли жазосини олди.

У 2018 йил июнь ойининг бошларида фуқаро Фарҳод Эрдоновга давлат ҳисоби билан чиқариладиган автомашиналардан арзон нархларда олиб бериши мумкинлигини, бунинг учун аукционга қўйилган автомашина бошланғич баҳосининг 50 фоиз пули тўлашни кераклигини, иккита «Газель» русумли автомашинанинг 50 фоиз тўлови 43 миллион сўм бўлишини айтди.

Харидорнинг розилигини олгач, ўзаро келишувга биноан фуқаро Ф.Эрдоновнинг қайнотаси Тўлқин Нурпўлатов номига «Luna Sale plus» МЧЖнинг сохта ёзувлар киритилган газна қирим ордери қвтанцияларини тайёрлаб беради ва айтилган пуллари

**Умиджан НУРУЛЛАЕВ,**  
Бухоро туман прокурори ўринбосари

қўлга киритади. Автомашиналарни олиб бермасдан, пуллари ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборади. Кейинчалик ушбу пуллардан 16 миллион сўмини қайтариб бериб, жабранувчига 27 миллион сўм моддий зарар етказди.

У.Насруллаев фуқаро Асқар Олимовга ҳам юқоридаги «амали»ни кўлади. Бунинг учун дастлаб аукционга қўйилган «Кобалт» русумли автомашинанинг бошланғич баҳоси учун 20 фоиз пулини тўлаш кераклигини айтди. Сохта хужжатлар ёрдамида уни алдаб, 49 миллион 220 минг сўм пулини қўлга киритади. Харидорга автомашиналарни олиб бермасдан, пуллари ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

Муайян ҳуқуқ берадиган расмий хужжатни қалбақлаштириб, ундан фойдаланиб, фирибгарлик жи-



ноятини содир этган Улуғ Насруллаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан озодликдан маҳрум этилди. Маҳқум тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтайдиган бўлди.





Кейинги йилларда ҳудудларни жадал ривожлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, шунингдек, инвестицион жозибadorликни яхшилашга ёрдам берувчи стратегик тarmoқлардан бири сифатида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган I халқаро "Зиёрат туризми" форуми ана шу чора-тадбирларнинг узвий давоми бўлди.

Халқаро анжуманда ислом дунёсидagi нуфузли халқаро ташкилотлар, сайёҳлик корхоналари, зиёрат туризми бўйича туристик компаниялар мутаассаддилари, дин уламолари, шунингдек, жаҳоннинг 20 дан зиёд мамлакати вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашгани ҳам мазкур форумнинг аҳамия-

тидан далолат бериб турибди.

Бундан ташқари, дам олиш кунлари Англия премьер-лигасининг "Burnley" ва "Tottenham" жамоалари ўртасида уйинда "Life is too short not to visit Uzbekistan" — "Ҳаёт Ўзбекистонга ташриф буюриш имкониятидан фойдаланмай қоладиган даражада қисқадир", деб номланган реклама стадион пешталарида акс этди. Футбол оламида энг томошабоп ҳисобланадиган Англия чемпионатида бундай давлатнинг илгари сурилиши мамлакатимизга сайёҳларни жалб қилиш йўлидаги жуда катта қадам саналади. Ўз навбатида, бу сайёҳ-ҳаракатларга ҳамоҳанг равишда туристик объектларимизнинг ҳам бугунги ҳолатини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Чунки, ўрганишларимизда айрим зиёратгоҳларнинг аҳоли мақтарли ҳолатда эмаслиги аён бўлиб қолди.

Қуйидаги мақолада шу ҳақда сўз боради.



# ЭРТАГА МЕҲМОНЛАР ОЛДИДА ХИЖИЛ БЎЛГАНДАН КЎРА БУГУН ЎЗИМИЗНИ ОЙНАГА СОЛАЙЛИК

Республикамизнинг туризм соҳасидаги халқаро нуфузини шакллантиришда Самарқанд вилоятининг туризм салоҳияти бекиёс ўрин эгаллайди. Вилоятнинг кўплаб ноёб меъморий ёдгорликлари, маданий мерос объектлари, илмий, тарихий ва санъат асарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатида киритилиб, келажак авлод учун асраб-авайлаб келинмоқда.

Айни вақтда вилоятда 541 та туристик намоиш этиш объектлари, 119 та меҳмонхона ва 23 та оилавий уй меҳмонхоналари, 100 дан ортқ миллий ва европа таомлари тайёрлайдиган ресторан ҳамда миллий услубдаги чойхоналар, 127 та туроператорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Шу билан биргаликда, 157 та туристик синфга мансуб автотранспорт воситалари, 184 та ҳамроҳ-таржимонлар сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.

2018 йил давомида вилоятга жами 2,4 миллион нафар туристлар ташриф буюрган. Жорий йилда ҳам ўтган йилга нисбатан сайёҳлар сони икки баробарга ошиши кутилмоқда.

Ўтган йили вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 215 миллиард сўмлик 75 та лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, Самарқанд халқаро аэропорти ва темир йўл вокзали, Регистон мажмуаси ва Амир Темура мақбараси туристик мажмуаларида бепул "Wi-Fi" зоналари, туристик ахборот марказлари, сайёҳлар учун махсус симкарталар сотиш ташкил этилди, 64 та миллий ва хорижий валюталарда пул айирбошлаш шохобчалари (банкматлар) ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 январь кунин Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари бўйича "Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида"ги йиғилиш баёни ижроси юзасидан Самарқанд вилоятга келадиган сайёҳлар оқимини икки баробар оширишни назарда тутувчи 5 та йўналиш ва 53 та банддан иборат "Йўл харитаси" лойиҳаси ишлаб чиқилди ва келишиш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига юборилди.

Мазкур ҳужжатга асосан 2019 йилда 22 та янги меҳмонхона ишга тушириш, 80 та янги уй меҳмонхона ташкил этиш орқали улар сонини 100 тага етказиш, туроператорлар сонини 150 тага етказиш, 51 та туристик туркумдаги транспорт воситаларини сотиб олиш, 18 та маданий мерос объектларида аудио ва радио гидлар ўрнатилиши, 23 та йўл кесишмаларида туризм йўли кўрсаткичлари ва белгиларини ўрнатиш, Самарқанд вилоятини ҳудудида 38 та санитария-гиғиена шохобчаларини ташкил этиш, 50 дан зиёд фестивал-



лар, сайллар ва тадбирлар ўтказилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор ва дастурларда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижро этилишини таъминлаш бўйича Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан қатор ишлар

**23 та йўл кесишмаларида туризм йўл кўрсаткичлари ва белгиларини ўрнатиш режалаштирилган.**

амалга оширилмоқда. Хусусан, туризм салоҳиятини ривожлантиришга тўсик бўлаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб борилмоқда.

Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятларини олган ҳолда ижарага бериш йўлга қўйилмоқда. Аммо ижобий ишлар қаторида камчиликлар ҳам афсуски, учраб турибди.

Жумладан, "келаётган сайёҳларга



Азимжон ҚОДИРОВ,  
"Нуқуқ"

жамоат ҳожатхоналари борми", мавжуд бўлса, "улар қай ҳолатда, жиҳозланиши санитария қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқми" каби саволлар юзасидан ўрганиш ўтказганимизда гувоҳи бўлдики, аҳвол ачинарли ҳолатда...

Мисол учун, "Қўшқувуэ" масжиди санитария-гиғиена шохобчаси 6 бўлмали қилиб қурилган бўлиб, 2 та бўлмасининг аҳоли таъмирталаб, ногиронлар учун умуман шароит яратилмаган, гиғиеник воситалар билан таъминланмаган, масжид ҳудуди тозаланмаган, таҳоратхонаси таъмирталаб. "Рухобод" мақбараси санитария-гиғиена шохобчаси икки хонадан иборат бўлиб, биттаси қуфланган. Гиғиеник жиҳозлар билан умуман таъминланмаган, ногиронлар хонаси мавжуд эмас. Ҳудудда ободонлаштириш ишлари олиб борилмаган. Электр жиҳозларига вақтида эътибор берилмаганлиги боис, фойдаланиш учун хавфли аҳволга келиб қолган.

"Имом Абу Мансур ал-Мотурудий" мақбарасида санитария-гиғиена шо-

хобчаси атиги бир хонадан иборат. У ҳам санитария-гиғиена талабларига умуман жавоб бермайди. Ҳудудда ободонлаштириш ишлари олиб борилмаган, ҳожатхонага олиб борувчи йўлак каровисиз аҳволда, ёритувчи жиҳозлар ўрнатилмаган. Хонадаги чиқиндилар олинмаган.

Бундан хулоса қиладиган бўлсак, юқорида таъкидлаганидек, тарихи узоқ йилларга бориб тақаладиган мазкур туристик мажмуаларимиз айни вақтда намунавий тилдаги замонавий санитария-гиғиена шохобчаларига муҳтож. Эрак ва аёллар учун камида 1 тадан алоҳида кириш қисмига эга хона, ювини ва таҳоратхона, ногиронлиги бўлган шахслар кириши ва фойдаланиши учун зарур шароитлар яратилган махсус хона ҳамда йўлакли пандус санитария-гиғиена шохобчалари барпо этилса, эртага меҳмонлар олдида жиҳолат тортиб қолмаймиз.

## Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари жамоаси ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Отабек Муродовга падали бузруквори **Бахриддин МУРОДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.